

ҲОЗИРДА ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛМА, НОК ВА БЕҲИ ЕТИШТИРИШ, ИМПОРТ-ЭКСПОРТ ҲОЛАТИ

Абдурахмонов Диёржон Мухаммадали ўғли
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот
институти Фарғона минтақавий филиали катта илмий ходими

Мирзаитова Мукаддам Камилджановна
Андижон кишлок хужалиги ва агротехнологиялар институти
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедраси
ассистенти
Ўзбекистон Республикаси

Аннотация: Мазкур мақолада жаҳон ва Ўзбекистонда олма, нок ҳамда беҳи етиштириш, уларнинг экспорт-импорт ҳажми ва бозор талаблари таҳлил қилинган. Ўзбекистон боғдорчилигида уруғли мевалар орасида олма етакчи ўрин эгаллаши, мамлакатда 100 дан ортиқ олма навлари етиштирилаётгани қайд этилган. Шунингдек, етиштириш жараёнида учраётган касалликлар, иқлим ўзгариши ва ҳосилдорликка таъсир этувчи омиллар ёритилган. ФАО ва бошқа статистик маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг экспорт имкониятлари ва глобал бозордаги ўрни таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Олма, нок, беҳи, боғдорчилик, экспорт, импорт, ФАО, Ўзбекистон, иқлим ўзгариши, ҳосилдорлик, касалликлар.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРОИЗВОДСТВА ЯБЛОК, ГРУШ И АЙВЫ, ИХ ИМПОРТ И ЭКСПОРТ В МИРЕ И В УЗБЕКИСТАНЕ

Абдурахмонов Диёржон Мухаммадали ўғли
Старший научный сотрудник Ферганского регионального филиала
Научно-исследовательского института карантина и защиты растений

Мирзаитова Мукаддам Камилджановна
Ассистент кафедры карантина и защиты растений
Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий
Республика Узбекистан

Аннотация: В данной статье анализируется производство яблок, груш и айвы в мире и в Узбекистане, а также объёмы их экспорта и импорта и рыночные требования. Отмечается, что среди семечковых фруктов в садоводстве Узбекистана ведущее место занимает яблоня, в стране выращивается более 100 сортов яблок. Освещаются болезни, возникающие в процессе выращивания, влияние изменения климата и другие факторы, влияющие на урожайность. На основе данных ФАО и других статистических источников рассматриваются экспортные возможности Узбекистана и его роль на мировом рынке.

Ключевые слова: Яблоко, груша, айва, садоводство, экспорт, импорт, ФАО, Узбекистан, изменение климата, урожайность, болезни.

CURRENT STATE OF APPLE, PEAR, AND QUINCE PRODUCTION, IMPORT AND EXPORT IN THE WORLD AND UZBEKISTAN

Abdurakhmonov Diyorjon Mukhammadali ugli
Senior Researcher, Fergana Regional Branch
Research Institute of Plant Quarantine and Protection
Mirzaitova Mukaddam Kamiljanovna
Assistant Lecturer, Department of Plant Quarantine and Protection
Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies
Republic of Uzbekistan

Annotation : This article analyzes the cultivation of apples, pears, and quinces in the world and in Uzbekistan, as well as their export-import volumes and market demands. It highlights that among seed fruits in Uzbekistan's horticulture, apples hold the leading position, with more than 100 varieties cultivated in the country. The study discusses plant diseases, the impact of climate change, and other factors affecting productivity. Based on FAO and other statistical data, Uzbekistan's export potential and its position in the global market are examined.

Keywords: Apple, pear, quince, horticulture, export, import, FAO, Uzbekistan, climate change, yield, diseases.

Боғдорчилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг энг қадимги ва муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, ҳукуратимиз томонидан мевачилик ва узумчиликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларига мева экспортини кўпайтириш мақсадида мевачилик ва узумчилик соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кескин чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентнинг 2019-йил 11-декабрдаги “Мевасабзавотчиликни ва узумчиликни янада ривожлантиришга саноат харажатларида қўшимча қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4549-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.05.2020 йилдаги ПҚ-4707-сонли “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” каби қарорларида мутахассислар олдидаги вазифалар кўрсатилган.

Ўзбекистонда етиштириладиган боғлар орасида уруғли мевали дарахтлар – олма, ундан кейин беҳи ва нок этакчи ўринни эгаллайди. “...Соҳадаги яна бир катта йўналиш боғдорчилик ва узумчилик бўлиб, мамлакатда 266 минг гектар боғ ва 132 минг гектар токзор бор...” дея хабар беради президент матбуот хизмати. Уруғли мевалилар янги ҳосилга қадар сақлаш учун мўлжалланган навларнинг мавжудлиги уларни деярли бутун йил давомида истеъмол қилиш имконини беради

Истеъмолчиларига юқори сифатли, экологик тоза маҳсулотлар ҳамёнбоп бозор нархлари зарурдир. Статистика маълумотларига кўра, ер юзида аҳоли жон бошига ўртача олма истеъмоли йилига 13 кг дан ошади. Туркия ва Италияда уларнинг аҳоли жон бошига истеъмоли бошқа мамлакатлардан кўп.

Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида асосий ишлаб чиқарувчилар Польша, Италия, Франция ва Германиядир. Уларда 9,8 миллион тонна мева етиштирилади. Олма ишлаб чиқариш бўйича дунёда Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган давлатлар орасида этакчи ўринни Хитой, АҚШ, Туркия, Бразилия, Россия, Аргентина, Украина эгаллайди.

Олманинг йиллик экспорти 5 миллион тоннани ташкил этади, бу бозорда энг йирик экспортчилар Франция, АҚШ ва Чили ҳисобланади. Энг йирик импортчилар Германия, Буюк Британия ва Россия бўлиб, уларнинг умумий улуши жаҳон экспортининг 33% ни ташкил қилади.

Нокнинг йирик экспортчилари Хитой, Аргентина ва Жанубий Африка бўлиб, уларнинг улуши тахминан 1,8 миллион тоннани ташкил этади. Энг йирик концентрланган олма шарбати ишлаб чиқарувчилари Хитой, АҚШ ва Польша бўлиб, жаҳон ишлаб чиқаришининг 40% дан ортиғини қоплайди. АҚШ ва Германия шарбат концентратларининг икки йирик импортчиси бўлиб, бу мамлакатларнинг ҳар бири йилига 0,2 миллион тоннадан ортиқ импорт қилади.

FAO (2020) маълумотларига кўра, дунё бўйича беҳи етиштириш ҳажми йилига тахминан 696 минг тоннага тенг. Умумий ишлаб чиқаришдаги асосий улуш қуйидагича тақсимланган: Осиё – 77,48%; Европа – 5,14%; Америка – 6,6%; Африка – 10,59%. Айни пайтда, беҳи етиштиришда етакчи давлатлар сифатида Туркия, Хитой ва Ўзбекистон қайд этилган. (Манба: FAO, 2020)

Ҳозирда мева ва сабзавотларимиз Германия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия ва МДХ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2022 йилнинг июнь-ноябрь ойларида Ўзбекистон рекорд ҳажмда сархил нок экспорт қилди: жами 5,2 минг тонна ва умумий қиймати 2,3 миллион долларлик. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, ўтган йилларда ушбу маҳсулот экспорти ҳажми жисмоний жиҳатдан минг тоннадан ошмаган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда олманинг 100 дан ортиқ навлари етиштирилмоқда. Дунё бўйлаб бу кўрсаткич 10 000 дан ортиқ навларни ташкил этади. Олма навлари меванинг пишиши, ташқи кўриниши, битта меванинг ўртача огирлиги, катталиги, шунингдек, шакар, қуруқ моддалар ва кислоталилик кўрсаткичларининг ҳар хиллиги билан фарқланади.

Ўзбекистонда 261,8 минг гектар боғ майдонларидан 120,5 минг гектарини уруғлик мевазорлар ташкил этади. Шунинг 95 фоизи олмазор боғлардир. Бу дегани мамлакатдаги боғларнинг тахминан 44 фоизини олмазорлар ташкил этади (ФАО,2022).

Ўзбекистонда эртаги олманинг янги ҳосилини оммавий йиғиш мавсуми май ойи ўрталарида старт олади ва айнан шу даврда эртаги олманинг биринчи экспорт жўнатмалари бошланади. Шундай қилиб, 2022 йилнинг май ойи бошидан ноябрь ойи охиригача бўлган даврда Ўзбекистон 16,6 минг тонна ва қиймати 6,5 миллион долларлик сархил олма экспорт қилди.

Бироқ, бу боғларда зарарли организмлар билан зарарланиш ва уларни тарқалиш даражаси борлигини ҳосилнинг вазнини камайтиради, балки унинг сифатига ҳам салбий таъсир қилади. Яъни, режалаштирилган ҳосилни олиш зарарли организмлар томонидан чекланган.

Кўп йиллик уруғмевали боғларнинг нобуд бўлиши ва ҳосилининг пасайишига иқлим ўзгариши натижасида юзага келган ноқулай об-ҳаво шароити асосий сабаб бўлмоқда. Деярли барча мевали дарахтлар заифлашиб, касалликларга чалинувчанлиги ортди, айниқса микозлар зарар келтириб келмоқда.

Жаҳон боғдорчилигини илмий изланишларимиз шу фикрга олиб келдики, бу боғларда етиштирилаётган олма, нок ҳамда беҳи навлари парша (калмараз), ун шудринг, монилиоиз ва бошқа бир қанча касалликлар билан зарарланмоқда.

Адабиётлар рўйхати ва интернет сайтлар

1. Мирзиёев Ш.М. Мева-сабзавотчилик со ҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. Халқ сўзи газетаси. – Тошкент. 2019. - №12 (3805). – Б.1-2.
2. Мирзиёев Ш.М. Мева-сабзавотчиликни ва узумчиликни янада ривожлантиришга саноат харажатларида қўшимча қиймат занжирини

яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор. Халқ сўзи газетаси. – Тошкент. 2019. - №36 (3861). – Б.1-2.

3. Мирзиёев Ш.М. 2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.-56 б.

4. Азизов А ва бошқ, Наманган вилояти иқлим шароитида етиштирилган сақлашбоп олма навлари таҳлили, agro informmaxsus son [1] 2021

5. Mirzaitova. M.K. Mevali bog'larda uchraydigan kasalliklarni monitoringi Xorazm Ma'mun Akademiyasi Axborotnomasi, 3 Сони М.К. Mirzaitova. Urug'mevali daraxtlarni himoya qilish. (Tavsiyanoma). «Andijon nashriyotmatbaa» MChJ 2023 yil, 36 bet.

6. <https://www.yara.kz/crop-nutrition/top-fruits/top-fruit-key-facts/world-apple-and-pear-production>

7. https://east-fruit.com/uz/tag_uz/yabloko-uz/

8. Ўзбекистон мева-сабзавотчилигида 2022 йилги Топ-10 асосий воқеликлар (I қисм) EastFruit